O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 8-noyabr, chorshanba, 45 (375)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

АЖДОДЛАРИМИЗ БОШЛАГАН ИЛМУ ФАН МАНГУДИР

2 ноябрь куни Хива шаҳрида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тантанали нишонланди

Мустақиллик берган улкан имкониятлар боис Юртбошимиз раҳнамолигида буюк боболаримиз, улуғ алломаларимиз, саркардаю донишмандларимизнинг шаъни-шавкати қайта тикланиб, муборак номлари ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинмоқда. Уларнинг ноёб бой меъроси чуқур ўрганилиб, табаррук қадамжолар обод қилинмоқда. Аслида бундай саъй-ҳаракатларнинг замирида халқимизнинг кўп минг йиллик ўтмиши, маданияти, маънавияти, тарихига бўлган катта қизиқиш ва мингминглаб аждодларимизнинг порлоқ хотирасини эъзозлашга бўлган чексиз меҳру-муҳаббат мужассам. Буни биз мамлакатимизда яқиндагина катта тантана билан нишонланган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик шодиёналарида, соҳибқирон Амир Темур бобомиз таваллудининг 670 йиллик тантаналарида яна бир бор ҳис этдик. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай бу қутлуғ саналарга ҳамоҳанг халқимиз яна бир муборак айёмнинг шоҳиди бўлди. Шу йилнинг 2 ноябрида ҳамиша ва навқирон Хива шаҳрида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Хоразм вилоятига ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мазкур илм даргоҳининг қутлуғ юбилейига бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари айём қатнашчиларини, уларнинг сиймосида Хоразм аҳлини, бутун халқимизни Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи билан қутлар экан, мазкур илм даргоҳининг пайдо бўлиши кўҳна воҳада неча-неча асрлар мобайнида кечган буюк тарихий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг қонуний ҳосиласи, натижаси бўлганлигини мамнуният билан эътироф этди.

Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганларидек, чиндан ҳам Хоразм Маъмун академияси умумбашарий цивилизация ривожидаги ўрни ва аҳамияти жиҳатидан қадимий Афинадаги Платон академияси, Мисрдаги Александрия кутубхонаси, Шарқ оламида «Байтул-ҳикма» номи билан шуҳрат қозонган Бағдод академияси каби машҳур илмий марказлар билан бир қаторда туриб, Шарқ мусулмон Ренессенси — Уйғониш даврининг намоёни сифатида тарихимизга зарҳал ҳарфлар билан ёзилади.

Хоразм Маъмун академиясида Шарқ ва Ғарбдаги кўплаб ўлкалардан келган турли миллат ва динга мансуб бўлган олимлар фаолият кўрсатган бўлсада, унинг негизини Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад ибн Найсабурий каби мана шу минтақада туғилиб, камол топган етук алломалар ташкил этгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Зеро, зўр шодиёналар билан ўтказилган мазкур юбилей ҳам уларга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромнинг ифодасидир. Давлатимиз раҳбарининг ўзи Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросимда инсоният тарихидаги илк академиялардан бири бўлган Хоразм Маъмун академиясини қайта ташкил этиш таклифи билан чиқди ва бу қутлуғ ишга раҳнамолик қилди. Академиянинг 1000 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, айни пайтда Хоразм Маъмун академияси фаолиятини қайтадан тиклагаминимиз она заминимизда яшаб ўтган ана шундай минглаб аждодларимиз хотирасига қўйилган буюк ва муаззам ёдгорлик бўлди. Не-не асрлар ўтиб қайта тикланган академия мамлакатимизни янада тараққий эттиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда кўплаб алломаларимиз, кўҳна шаҳарларимизнинг юбилейлари ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётгани қувончли ҳолдир. Маъмун академиясининг 1000 йиллиги ҳам ушбу нуфузли халқаро ташкилот иштирокида ўтди. Унинг мамлакатимиздаги доимий вакили Майкл Барре Лейн мазкур тантанали маросимда Ўзбекистон халқига ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацууранинг қутловини етказди. Шу билан бирга Маъмун академиясининг дунё тараққиётида тутган ўрнига юксак баҳо берди.

Юбилей шарофати билан янада чирой очган кўҳна Хива бугун ўзгача тароват кашф этган. Одамларнинг гулгун чеҳрасидан нур ёғилади. Ахир тарих бундай тўю тантана ва шодиёналарни фақат бизнинг давримизда, Мустақиллик йилларидагина кўрмоқда. Бой тарихга эга бўлган халқимиз истиқлол даврида ўз ўтмишини янада улуғламоқда.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Партия ҳаёти

Оила қонунчилиги ёшлар нигоҳида

Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройининг кичик залида шу мавзуда бўлиб ўтган давра суҳбати иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш билан бирга, уларни ҳаётга, оилага тайёрлаш бугунги қуннинг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Турли жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам бу борада муҳим ишларни амалга оширмоқда. Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан ёшлар даврасида ўтказилган мазкур тадбир бунинг ёрқин далилидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарифа Салимова давра суҳбати иштирокчилари, университет талабалари ҳузурида «Миллий қонунчилигимиз: ёшларни оилага тайёрлаш масалалари» мавзуида маъруза қилди. Маърузада таъкидланганидек, оила қонунчилигига эътибор мустақиллик йилларида, айниқса, кучайди. Аввалги Конституцияда оилага бағишланган бор-йўғи битта модда бор бўлган бўлса, мустақил Ўзбекистонимизнинг Бош Қомусидаги қатор моддалар шу йўналишни қамраган. Оилаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган саккизта бўлим, 238 та моддадан иборат «Оила кодекси» юзага келди ва айни пайтда унга қатъий амал қилинмоқда.

Ўзбекистон Миллий университети ректори Ғофур Муҳамедов, университет хотин-қизлар қўмитаси раиси Лаълихон Муҳаммаджонова, Тошкент Давлат юридик институти доценти Шоира Йўлдошева, Собир Раҳимов туман ФҲДЁ бўлими ходими Гўзал Нурматова, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Жаннатой Тошматова ва бошқалар тадбирда сўзга чиқиб, оиланинг муқаддас даргоҳ, тарбия ўчоғи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Шу билан бирга ёшларни оила қуришга тайёрлашнинг муҳим аҳамиятини кўрсатиб ўтдилар.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Ғузор туман кенгаши ташаббуси билан «Керайит» маҳалла фуқаролар йиғинида «Жамият ҳаётида хотин-қизларнинг роли» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Тошкент шаҳар С.Раҳимов туман кенгаши ташаббуси билан 234-мактабда партия фаоли, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев билан учрашув ташкиллаштирилди.

* * *

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгашининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Музработ туман кенгаши ташаббуси билан 23-мактабда «Мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгашида вилоят кенгашига сайланган депутатларнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг депутатлик гуруҳи ташаббуси билан Самарқанд шаҳар Саноат касб-ҳунар коллежида «ЎзМТДП олдидаги устувор вазифалар» мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Асака туман кенгаши ташаббуси билан «Биз диний ақидапарастликка ҳамда халқаро терроризмга қаршимиз» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Пешку туман кенгаши ташаббускорлигида «Жаҳон маданияти ва Ўзбекистон» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Гулистон шаҳар кенгаши ташаббуси билан Гулистон Давлат университетида «Аёл — баркамол авлод мураббийси» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Муборак туман кенгаши ташаббуси билан «Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши «Ёшлар қаноти» ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ташаббуси билан институтнинг Тошкент шаҳар филиалида «1 декабр — Халқаро ОИТСга қарши кураш куни» муносабати билан мувофиқлаштириш ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Фракция йиғилиши

КУН ТАРТИБИДА МУҲИМ МАСАЛАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия Марказий кенгаши девони ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишни фракция раиси Хуршид Дўстмуҳаммедов олиб борди. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ҳамда «Ҳакамлар суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги (иккинчи ўқиш), «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги (иккинчи ўқиш), «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси (иккинчи ўқиш) «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят — процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари (иккинчи ўқиш) муҳокама қилинди.

Биринчи ўқишда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама этилиб, лойиҳа барча параметрлар бўйича мувофиқлашганлиги ва ижтимоий йўналтирилганлиги, унда, хусусан, бюджет ва солиқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, хусусий сектор ва кичик бизнесни ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлиги ва моддий фаровонлигини юксалтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди. Шунингдек, фракция лойиҳада кўрсатилган — жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган солиқ тўловларини камайтириш, иш ҳақларини ошириш, таълим муассасаларининг ўқув техник базасини яхшилаш каби чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Йиғилишда яна бир масала — «Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам моҳиятан илм фан соҳасидаги тадқиқотларни рағбатлантириш руҳида эканлиги эътироф этилди. Шунингдек, иккинчи ўқишда тақдим этилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама этилди. Қонун лойиҳаси суд-ҳуқуқ амалиётидаги долзарб муаммолардан бири — шахснинг малакали юридик ёрдам олиш масаласини ижобий ҳал қилишга хизмат қилиши ва қонун ҳужжатларига бундай ўзгартиришларнинг киритилиши фуқароларнинг суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончи ошишига таъсир кўрсатиши таъкидланди.

Шу билан бирга, фракция йиғилишида партия фаолияти билан боғлиқ бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, «Миллий тикланиш» газетасига 2007 йил учун обуна жараёнининг бориши масаласи муҳокама қилинди. Маълумотлардан жойларда обуна паст даражада ташкил этилаётганлиги, бу эса ўз навбатида, партиянинг электорат билан муносабати сусайишига сабаб бўлиши мумкинлиги қайд этилди. Шу боис партия фаоллари газета обунасини ташкиллаштиришда фидойилик ва ташаббус кўрсатишга чақирилди.

Фракция аъзолари кун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда партиянинг вилоят кенгаши раиси Шарифа Салимова ҳамда шаҳар ва туман кенгашларидаги партия фаоллари иштирок этишди ва сўзга чиқишди.

Йиғилишда кун тартибига қўйилган барча масалалар кўриб чиқилди, шаҳар ва туман кенгаши раисларининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, партия нашри бўлган "Миллий тикланиш" газетасига 2007 йил учун обунани ташкил қилиш масаласига ҳам жиддий эътибор берилиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Дилноза ЗИЯХОДЖАЕВА,
ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши мутаххасиси.

«Обуна-2007»

СИЗ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШГА ТАРАФДОРМИСИЗ?

Бу саволга Ўзбекистон манфаатини устувор билган ҳар бир фуқаро **«Ҳа!»** деб жавоб беради.

Миллий тикланиш — Ватан тараққиётининг зарурий шартидир.

Агар шундай эзгу ният Сизга ҳамроҳ бўлса, таклифимиз:

«Миллий тикланиш» газетасига обуна бўлинг.

Обуна нархи мамлакатимизда чоп этиладиган марказий нашрлар ичида энг арзонидир.

Нашр кўрсаткичи — 158.

● 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Сахий киши одатда фидойи бўлади ва айни вақтда унинг қўлидан саховат қилиш ҳам келади. Шундай инсонлардан бири, Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз Эргашев мана, бир неча йилдирки, Жомбой туманидаги Х.Низаматов номли давлат элита-уруғчилик хўжалигига раҳбарлик қилиб келади. Бу ғайратли инсон бошчилигида биргина ўтган йили пахтадан 300 ва ғалладан 200 миллион сўм соф фойда олган хўжалик ҳомийлигида кўплаб турар-жой бинолари, мактаб, боғча, маданий-маиший муассасалар, қишлоқ врачлик пунктлари қуриб, ишга туширилди.

Аваз аканинг ибрати

Шундай масканлардан бири —Тут қишлоғида ишга тушган, бир йўла 50 кишини қабул қилиш имкониятига эга, «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 50 миллион сўмлик, Осиё Тараққиёт банки ҳисобидан 18 минг АҚШ доллари миқдоридаги тиббий аппаратлар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктида айни пайтда аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Бундан ташқари, ҳар бир қишлоқда ташкил этилган спорт майдонлари, спорт залларидаги секцияларга 3 минг нафар ёшлар жалб қилинган. Эътиборли томони шундаки, ҳар бир дала шийпони қошида спорт-соғломлаштириш марказлари фаолият кўрсатмоқда. «Тут» қишлоғида теннис корти ишлаб турибди.

— Фермер хўжаликлари сони тобора ортиб бормоқда, — дейди хўжалик раҳбари Аваз Эргашев. — Жорий йилнинг ўзида 9 та фермер хўжалиги ташкил этилиб, 620 гектар ер майдони ажратиб берилди. Натижада ишсизлик муаммоси бирмунча ҳал қилинди. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида якка тартибда касаначилик йўлга қўйилгани эса кўплаб аёлларнинг иш билан таъминланишига омил бўлди.

Шунингдек, тумандаги кам таъминланган оилалар, боқувчисиз йўқотган, ногирон инсонларга ҳам хўжалик ва ҳомийлар томонидан алоҳида ғамхўрликлар кўрсатилмоқда.

Туман марказий касалхонаси бош шифокори Сайфиддин Мўминовнинг айтишича, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури доирасида ҳар бир қишлоқда қишлоқ врачлик пункти қурилиши режалаштирилган. Айни пайтда ана шундай масканлардан 23 таси фаолият кўрсатмоқда. «Нўш», «Тут», «Ногаҳон», «Сарчашма» қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда марказий касалхонанинг жарроҳлик, туғруқ, жонлантириш бўлимларига Жаҳон банки томонидан 80 минг АҚШ доллари миқдорида тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар келтирилди. Шу билан бирга, «Жомбойтекс» қўшма корхонаси 4 миллион, «Жомбойдон маҳсулотлари» корхонаси 6 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдамини кўрсатди.

Туманда Аваз Эргашевдек саховатли инсонлар ҳиммати ила амалга оширилган ишлар билан танишар эканмиз, ҳомийлик элимизнинг эзгу қадриятларидан эканлигига яна бир карра амин бўлдик.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Муаллиф олган суратлар.

ОДИЛ СУД — ОБОД ЮРТ

Қайси давлатда қонун инсон ҳуқуқлари, уни ижтимоий ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда адолат мезонлари асосига қурилган бўлса, ўша юрт обод ҳисобланади. Зеро, буюк лашкарбоши Амир Темур ҳам «Куч адолатдадир», — деб бежиз айтмаган. Суд қарорларининг ижроси бугун шу мезон асосига қуриляптими? Халқаро тажрибаларда бу қандай акс этмоқда?

Бинобарин, кўплаб халқаро манбааларда суд қарорларининг ижроси одил судловнинг самарадорлигини кўрсатувчи муҳим кўрсаткич деб эътироф этилади. Ривожланган айрим давлатлар ижро ишларини юритувида суд ижрочиларининг тутган ўрни ва уларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида қисқача тўхталамиз. Францияда ижро ишлари нафақат суд ижрочилари томонидан, балки республика прокурори, полиция командирлари ва офицерлари томонидан ҳам амалга оширилади. Лекин асосий ҳаракатдаги куч – суд ижрочиси бўлиб қолаверади. Уларнинг ҳуқуқий мақоми мустақил амалиёт билан шуғулланувчи шахс ва давлат хизматчиси мақоми билан тенглаштирилади ва биринчи галда давлат хизматчиси мақомидаги белгиларга кўпроқ эътибор берилади. Агар суд ижрочиларининг ишлари бевосита турли бойликлар ва пул маблағлари билан боғлиқ бўлса, уларнинг фаолияти суд ижрочиларининг жамоат бирлашмалари томонидан суғурталаниши талаб этилади. Суғурта мукофоти суд ижрочилари жамиятининг аъзолари ўртасида тақсимланади.

Француз суд ижрочиси, албатта, юридик маълумотга эга бўлиши, тегишли идорада икки йилдан кам бўлмаган муддатда стажировка ўтаган ҳамда давлат малака имтиҳонини муваффақиятли топширган бўлиши керак. Интизомий жавобгарлик билан боғлиқ масалаларда суд ижрочилари бевосита республика прокурорига бўйсунадилар.

Германияда ижро ишлари рўйхатга олувчилар, яъни регистратор томонидан амалга оширилади. Рўйхатга олувчилар махсус сертификатга эга бўлишлари зарур.

Халқаро тажриба

Исроилда ижро хизматлари магистрат судлари қошида ташкил этилади. Унга ушбу суднинг судьяси ёки рўйхатга олувчи шахс — директор бошчилик қилади. Суд ижрочиси хизмат директорига бўйсунса-да, лекин улар Адлия вазирлиги томонидан тайинланади.

Грециядa ижро ишларини юритувчи асосий орган сифатида нафақат суд ижрочилари, балки пул суммаларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатларини ижро этиш ваколатига эга бўлган нотариуслар ҳам эътироф этилади. Ушбу нотариуслар оммавий аукционни ўтказиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

АҚШда эса ижро ишларини юритиш вазифаси шерифлар ва уларнинг ўринбосарлари, қисман маршаллик хизматлари, суд приставлари-ижрочилар, шунингдек, хусусий юридик агентликлар томонидан амалга оширилади. Шерифлар қарздорнинг мулкига арест (хатлаш) солиш ваколатига эга. Агар шериф қоидага кўра ҳуқуқшунос бўлмаса, унинг ўринбосари албатта полиция академиясида таҳсил олган бўлиши керак. Полиция академиясида унга ижро ишларини юритиш фанидан дарс соатлари ўтилади.

Хорижий давлатларда ижро ишларини юритиш тегишлича лицензия билан ишловчи суд ижрочилари ёки мол-мулкни қидириш билан шуғулланувчи хусусий адвокатлик идорасига ҳам юклатилиши мумкин. Айрим ҳуқуқий адабиётларда таъкидланишича, суд ижрочиси касбининг нуфузи, обрўси кўтарилмас экан, бошқа ҳеч қандай чора-тадбир — суд ва бошқа орган ҳужжатларининг тўлиқ ва самарали ижро этилишига ҳисса қўшолмайди. Суд ижрочиларининг мавқеини кўтариш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бугун давр талаби. Бу борада МДҲ таркибига кирувчи давлатлар, хусусан Россия Федерациясининг қонунчилик амалиёти эътиборга савозордир.

Россия Федерациясида суд қарорларини ижро этиш суд приставлари — ижрочилар зиммасига юклатилган. Уларнинг молиявий, моддий-техникавий ва ижтимоий ҳимояси "Суд приставлари тўғрисида"ги ва "Ижро ишларини юритиш тўғрисида" ги Федерал қонунлари билан тартибга солинади. Ушбу қонунлар мамлакатда ижро ишларини юритишнинг энг самарали омилидир. Масалан, суд приставлари — ижрочилари томонидан ундирилган сумманинг 7 фоизи ижро тушумлари ҳисобига ўтказилади. Унинг 30 фоизи федерал бюджет ҳисобига ушлаб қолинади. Қолган 70 фоизи ижро иш юритувчининг такомиллаштириш бўйича бюджетидан ташқари фондга ўтказилади. Шундай экан, Россия суд приставлари — ижрочилари суд ҳужжатларининг ўз вақтида, тез ва сифатли ижро этилишидан манфаатдордирлар. Чунки ундирилган ижро суммасидан юқорида кўрсатилган бюджетдан ташқари фонддан 5 фоиз миқдорида пул мукофоти берилади.

Мамлакатимизда ҳам бу тажрибалардан кенг фойдаланилмоқда. Ўзбекистон қонунларини жаҳон талаблари, халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларига мослаштириш борасида катта ишлар олиб бориляпти. Бинобарин, суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этишнинг қонуний асослари мустаҳкамланди. Суд қарорларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши таъминланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди ва жойларда самарали тарзда амалга оширилмоқда.

Икболжон АБДУБАННОЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти магистранти.

ҲАМШИРА «МАТИЗ» БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» маданият саройида «Ҳамшира — 2006» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг охирги синовида мамлакатимиз вилоятларининг даволаш муассасаларида фаолият кўрсатаётган 14 нафар тиббиёт ҳамшираси иштирок этишди, улар 5 та йўналиш бўйича беллашдилар.

Пойтахт вилоятидан Ўғилжон Қосимова биринчи, наманганлик Ульяна Насриддинова иккинчи, қорақалпоғистонлик Зелиха Нурмаханова учинчи ўринга муносиб деб топилди. Биринчи ўрин соҳибаси Ў.Қосимовага тиббиёт олий ўқув юртларидан бирига ўқишга кириш имтиёзи берилди. Ғолиба танловнинг бош соврини «Матиз» автомобили билан ҳам тақдирланди.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Халқаро ҳуқуқ нормаларини Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилиш масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Илмий-амалий конференция

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, давлат ҳокимияти бошқаруви органлари ходимлари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қарийб 190 дан ортиқ кўптомонлама халқаро шартномаларга қўшилди, мингдан ортиқ давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро шартномалар имзоланди. Шу кунга қадар республикамиз халқаро майдонда ўз зиммасидаги мажбуриятларга риоя этиб, БМТ Низоми талабларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига қатъий амал қилиб келмоқда.

Иштирокчилар буни алоҳида таъкидлаш билан биргаликда имплементация институтининг долзарб назарий ва амалий муаммоларни таҳлил этиш, республикамиз томонидан халқаро шартномалар бажарилишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини ва давлат ҳокимияти органларининг халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш билан боғлиқ фаолиятини такомиллаштириш хусусида фикр билдирдилар.

Конференция якунида Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган ҳамда ушбу соҳада Олий Мажлис палаталари, давлат бошқарув органлари билан бирга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари фаолияти учун муҳим аҳамият касб этувчи илмий асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

● Парламент соати

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи ўқишда Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган «Ахборотлаштириш ва маълумотларни узатиш соҳасида содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қабул қилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раъно Зарипова билан ушбу қонун лойиҳасининг мақсад-вазифалари ва қонунчиликка киритилаётган ўзгартишлар ҳақида суҳбатлашдик.

АХБОРОТ ХУРУЖИ — ГЛОБАЛ МУАММО

— Газетхонларимизга қонун лойиҳаси ҳақида батафсил маълумот бersангиз. Айнан қайси ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиляпти?

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаяпти. Жиноят кодексининг 174-моддаси, яъни «Ахборотлаштириш қоидаларининг бузилиши» номли моддаси чиқариб ташланди. Унинг ўрнига «XX-I Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар» боби киритилди. Ушбу боб 278[1]–модда —Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, 278[2]–модда — Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, 278[3]–модда — Компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни тайёрлаш ёхуд сотиш ва тарқатиш, 278[4]–модда — Компьютер ахборотини модификация қилиш, 278[5]–модда — Компьютер саботажи, 278[6]–модда — Зарарли дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш каби янги моддалар билан тўлдирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддаси бешинчи бандига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритиляпти. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 155[1]-моддаси «Компьютер тизимидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши» номли янги модда билан тўлдирилди. 245-модда 1-қисмга ҳам тегишли ўзгартиришлар киритиляпти. Қонун лойиҳасида белгиланаётган жазо тури ва миқдорлари амалдаги қонунчиликда белгиланган жазо турлари ва миқдорларига асосан танланди.

— Демак, давлатимиз қонунчилигининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида жиддий ўзгартишлар амалга оширилаётган экан, уларнинг боиси нимада деб ўйлайсиз?

— Ахборот хуружи ва ахборот хавфсизлиги муаммоси азал-азалдан мавжуд бўлган. Ахборот қудратли куч, у орқали халқнинг онги, маданияти, менталитетига, ҳукуматнинг сиёсий, ижтимоий тизимига ижобий ёки салбий таъсир ўтказиш мумкин. Буни ёшлар, айниқса, журналистлар яхши англаб етиши керак. Кибернетика, информатика тараққиёти, интернет тизимининг вужудга келганлиги ахборот курашини янги бир босқичга кўтарди. Бугунги кунда Интернет жаҳоннинг 150 дан ортиқ давлатларини қамраб олган. Интернет тармоғига уланган ҳар бир компьютер дастури — сервер ёки веб-сервер деб аталади. Интернетда 300 миллиондан ортиқ веб-сервер бор. Ундан фойдаланувчилар сони 600 миллиондан кўп. Ушбу «Ахборот муҳити бўйича саёҳатлар» жами учта «WWW» орқали амалга оширилади. «World Wide Web» — «бутун жаҳон тўқимаси» деган маънони англатади. Интернет орқали жуда кўп вазифани бажарса бўлади. Дунёнинг исталган бурчагига, хоҳлаган мамлакатга электрон почта жўнатиш, маҳсулотлар сотиш ва сотиб олиш, керакли маълумотларни олиш, электрон нашрларни ўқиш, турли мавзулардаги мунозараларда иштирок этиш мумкин. Ҳужжатлар нусхалари ва видеотасвирларни ҳам олиш имконияти мавжуд. Афсуски, глобал тизимни салбий мақсадда ишлатувчилар ҳам бор.

— Бугунги кунда ахборот куроли, деган тушунча юзага келди. У орқали ҳеч қандай куролярогсиз иккинчи бир давлатни бошқариш, унинг тинчлигига раҳна солиш мумкин. Юқорида таъкидланган қонун айнан шу муаммони бартараф этишга хизмат қилади, назаримда?

— Фикрингиз тўғри. Узоққа бориб ўтирмайлик, Андижон воқеалари даврида баъзи бир журналистлар дезинформация, яъни афкор оммани ёлғон ахборотлар билан чалғитиш йўлидан фойдаланишди.

Ахборотлаштириш, яъни Интернетга уланиш орқали одамлар, ташкилотлар, давлатлар ўртасида маълумотлар алмашиш амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида маълумотларни сақлаш, ундан фойдаланиш, ўрганиш ва ўзгартириш имкониятларини яратади. Унинг салбий томони эса содир бўлаётган жараёнларни назорат қилиш ва бошқаришни ўз қўлига олишни истовчиларни майдонга чиқаради. Бу «ахборот қуроли» деб номланувчи восита ёрдамида амалга оширилади.

— Интернетдаги маълумотларга кўра, ахборот уруши «компьютер вируслари», «мантиқий бомбалар» ва бошқа воситалар орқали амалга оширилади. Масалан, «Троян оти» яширин маълумотлар олиш учун душманнинг ахборот муҳитига рухсатсиз кирадиган дастурдир.

— Масаланинг энг хавфли жиҳати ҳам шунда-да! Интернетда «ВИРУС -666» деб аталувчи вирус ҳақида ҳам хабарлар бор, у ЭҲМ оператори психофизик ҳолатига таъсир кўрсатиб, ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин. Бу «қотил-вирус» экранга алоҳида махсус ранглар комбинациясини чиқаради, одамнинг юрак-қон томир тизимига таъсир этиб, карахт ҳолатга туширади, мия томирларини ишлатмай қўйишгача боради. Радиоэлектрон бостириш (РЭБ)куроли эса электромагнит, акустик ва инфрақизил сигналлар тарқатиш йўли билан душманнинг электрон воситалари ишлашини қийинлаштиради ёки ишдан чиқаради. РЭБ биринчи бор 1991 йили АҚШ томонидан Форс кўрфази ҳудудидаги урушда «Саҳрода бўрон» операцияси пайтида қўлланилган эди. Натижада америкаликлар ўз стратегик мақсадларига — Яқин Шаркда нефть заҳираларини назорат остига олиш ва бу регионда АҚШнинг доимий ҳарбий қисмларини жойлаштиришга эришди. Матбуот хабарларига кўра бу ахборот куроли кейинчалик Югославия, Афғонистон ва Ироқдаги урушларда ҳам қўлланилган.

— Интернет тармоғи орқали стратегик аҳамиятдаги ҳарбий объектларнинг бошқариш тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳоллари ҳам учраётганини қандай изоҳлаш мумкин?

— Интернет тармоғи бомбардимон, ҳатто ядро ҳужуми пайтида қисман зарарланганда ҳам ишлай олади. Форс кўрфази ҳудудидаги уруш пайтида кучли ахборот куроли қўлланилишига қарамай, АҚШ ҳукумати Ироқни ташқи дунёдан тўлиқ узиб қўя олмади. Ироқ ҳукумати айнан интернет тармоғи орқали курол сотиб олган, маҳсулот етказиб берган фирмаларга чет эллардаги банкларда сақланаётган пулларини ўтказган.

Стратегик объектларга интернет орқали ўзбошимчалик билан уланиш хавфи ғарб матбуотида кўп кузатилади. 1994 йили 16 ёшдаги лондонлик мактаб ўқувчиси интернет орқали АҚШнинг ҳаво ҳужумидан ҳимояланиш тизимларидан бирининг компьютер тармоғига киради. Кейин жиноятчи Нью-Йорк яқинида жойлашган Америка ядро тадқиқот маркази тармоғига ҳам уланади. «Ахборот қароқчиси»ни аниқлаш операцияси Америка ва инглиз махсус хизматлари учун 400 минг долларга тушган. Уни иш устида қўлга олишди. Жиноятчи Америка ҳарбий объектлари ҳақида шунчалик кўп махфий маълумотларга эга эканки, уларни уч минг бетли китоб қилиш мумкин эмиш. Ҳарбий объектлар компьютерларига интернет орқали ўзбошимчалик билан уланиш АҚШда ўзига хос «табиий офат» бўлиб қолди. АҚШнинг ўзи биринчи бўлиб бошлаб берган бу ҳаракатлар вақти келиб унинг ўзига қарши йўналтирилди. Кибернетика асри бўлмиш бугунги кунда ахборий жамиятни аниқ ишлаб чиқилган ахборот хавфсизлиги тизимисиз тасаввур қилиш қийин. Ахборот хавфсизлигига нисбатан тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этишда ҳуқуқий, дастурий-техник ва ташкилий-иқтисодий усуллар қўлланилади. Шунинг учун ахборот хуружи муаммоларининг ечимини излаш фақат бир давлат доирасида эмас, балки дунё миқёсида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифадир. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1998 йилдан бошлаб ҳар йили «Халқаро хавфсизлик соҳасида ахборотлаштириш ва телекоммуникация доирасида эришилган ютуқлари масалалари» бўйича резолюция қабул қилинади. Уларда ахборот технологиялари давлатлар хавфсизлигига таҳдид солаётгани таъкидланиб, БМТга аъзо давлатлар мавжуд муаммоларни кўриб чиқишга ва унинг таҳдидини камайтиришга чақирилади.

— Мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун қандай ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилган?

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасига биноан ҳар бир фуқаро ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлар, шахсий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Шунингдек, ҳеч ким қонун назарда тутмаган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас. Бахтимиз Қомусининг 29-моддасида ёзилишича, ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи кафолатланади. Аммо амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга таалуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 137-сонли қарорига илова қилинган «Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида»ги Низом ҳам мавжуд. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда ахборотнинг ҳуқуқий мақоми муҳим ўрин тутади. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», "Электрон тўловлар тўғрисида" ва «Давлат сири тўғрисида»ги Қонунларимизда ҳам қонуний меъёрлар, ахборот олиш ва тарқатишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган.

— Бугун жаҳонда «ахборотни бошқариш» деган тушунча мавжуд. Бирор манфаат туфайли нотўғри ахборот тарқатиш ҳолатлари учраб турибди. Бу эса келишмовчиликлар туғдиряпти. Ахборот хуружининг олдини олиш учун яна қандай йўл тутиш тўғри ва самарали деб ўйлайсиз?

— Андижон воқеалари муносабати билан мамлакатимиз Президенти журналистларга берган интервьюсида ҳар бир журналист сиёсатчи, деган фикрни таъкидлаган эдилар. Журналистика факультетларида «Ахборот хуружи, терроризм ва матбуот» деган курслар ўқитилишини яналда кенгроқ йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман. Чунки, бугунги кунда интернет журналистиканинг бир манбаи бўлиб қолди. Ахборот куроли ва уни қўллаш усуллари бўйича аниқ ва ишончли маълумотларга эга бўлиш, геостратегик вазиятни мунтазам таҳлил қилиб бориш тинчлик гаровидир. Ахборот хавфсизлиги қоидасига жиддий амал қилиш мамлакатимизнинг иқтисодий, ҳарбий ва илмий-техник сиёсатида асосий ўрин тутади. Ахборот техникасини харид қилаётганда ва уларни интернет тизимларига улаётганда махсус методика бўйича техник назорат тартибини ҳам белгилаб олиш керак.

Ойдин САЪДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

Яхшилар ёди

Нима учундир ҳаётнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, кундузни — кундуз, кечани кеча демай тинимсиз ишлаган кишиларнинг умри қўпинча қисқа бўлади, назаримда. Эҳтимол, улар ўзларига Аллоҳ томонидан ажратилган умрнинг қуш уйқусидек қисқалигини қандайдир туйғу билан сезиб, ҳормай-толмай ишлаганлари учун шундайдир.

ИККИ ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

Таниқли адабиётшунос олим Мурод Ҳамроев — қисқа умри мобайнида бадиий ижод ва адабиётшуносликнинг турли соҳаларида сезиларли из қолдирган ана шундай кишилардан бири. Агар ҳаёт бу ўта заҳматкаш олимга нисбатан бевафолик қилмаганида у шу йили 70 ёшга тўлган ва яна қанчадан-қанча хайрли ишларни амалга оширган бўларди. Афсуски, Мурод Ҳамроевнинг умр ипи 1983 йили 47 ёшида узилди. Аммо шошиб яшаган олим 25 ёшида филология фанлари номзоди, 28 ёшида фан доктори, 41 ёшида профессор, 42 ёшида собиқ иттифоқ Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси сингари юксак илмий даража ва унвонларга эришди.

Мурод Ҳамроев 1936 йилнинг 1 январида Олмаота шаҳрида дунёга келган. Отаси уйғур, онаси ўзбек бўлгани ва қозоқ диёрида туғилгани учун у, она ва ота тилларидан ташқари, рус ва қозоқ тилларини ҳам мукаммал билган. 8-синфда ўқиётган кезларида турк шоири Нозим Ҳикматнинг озодликка эришиб, Москвага келганини эшитган Мурод рус тилида унга бағишлаб шеър ёзган. Нозим Ҳикмат ҳаваскор шоирнинг бу машқини олиб-гина қолмай, унга нисбатан самимий туйғулари ва орзу-истакларини ифода қилиб, жавоб хатини ҳам йўллаган. Бундан илҳомланган Мурод шеър ёзишда давом этиб, турли халқаро танловларда совринлар олган. Аммо у кейинчалик уйғур халқининг фарзанди сифатида ўз халқи тарихи, адабиёти ва маданиятини ўрганишга жазм этади. Ва Тошкентга келиб, Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) шарқ факультетининг уйғур бўлимига ўқишга киради. Университетни муваффақият билан тугатгач, Қозоғистон Фанлар академияси Адабиёт ва санъат институти аспирантурасида таҳсилни давом эттириб, 1961 йилда «Уйғур мумтоз ва замонавий шеъриятида қофия» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Каминанинг Мурод Ҳамроев билан дўстлик муносабатлари шу даврда бошланган эди. У менинг «Зайнаб ва Омон» достонида қофия» деган мақоламнинг чоп этилганидан хабар топиб, уни юборишимни сўраган. Орамизда яхши илмий алоқа ўрнатилиб, унинг илтимоси билан Ўзбекистонда адабиёт назариясига оид босма ва қўлёзма асарларни, мумтоз ва замонавий шоирларнинг китобларини унга юбориб турганман, у эса ўша йилларда машҳур бўла бошлаган Ўлжас Сулаймоновнинг шеърларини...

Мурод илмий ҳаётининг дебочасидаёқ ўз олдига катта мақсад ва вазифаларни қўйди. Номзодлик диссертациясини ёқлаб улгурмасдан, «Туркий шеър тузилиши асослари» деган мавзудаги докторлик диссертацияси устида иш бошлади. Москва ва Ленинградга бориб, Л.И.Тимофеев ва В.Д.Жирмунский, Тошкентга келиб эса Иззат Султон каби таниқли олимлар билан яқиндан танишди, улар билан отабола бўлиб кетди. Ўша йилларда Ҳамид Сулаймоннинг Париждан Бобурнинг «Илми аруз» («Мухтасар») асари фотонусхасини олиб келганидан дарак топиб, шу асарни қўлга киритиш йўлларини ахтарди. Бобурнинг бу ноёб асарини Ҳамид Сулаймондан ололмагач, уни қандайдир йўллар билан Франциядан олдириб келди. Сўнгра 1963 йилда, Ҳамид Сулаймон ва Саидбек Ҳасандан аввал, бу асарни «Туркий шеър тузилиши асослари» монографиясида биринчи бўлиб эълон қилди.

М.Ҳамроевнинг ўзбек, уйғур, қозоқ ва рус тилларида 400 га яқин китоб, монография, мақола ва тақризлари, 50 дан зиёд шеър, 75 дан ортиқ таржима асарлари нашр этилди. Шунингдек, у муҳаррир сифатида 20 та, тузувчи сифатида 23 та китобнинг чоп этилишига ўз ҳиссасини қўшди. Бундан ташқари, у 9 нафар фан номзодини тайёрлади. М.Ҳамроев 400 номдан иборат китоб ва мақолалари орасида «Тарих, назария, маҳорат» (1964), «Туркий адабиётлар атамаларининг қисқача луғати» (1966), «Уйғур халқи маданиятининг равнақи» (1967), «Туркий шеър назарияси очерклари», «Асрларнинг ўлмас садоси», «Уйғур адабиёти» (10-синф учун дарслик, 1969), «Адабиётшунослик атамалари луғати» (1974), «Адабиёт, мактаб ва педагогика» (1984), «Педагогик мерос тарихидан» (1986), «Ҳаёт алангаси» (1988) сингари китоб, монография ва ўқув қўлланмаларини яратди. Агар у таржима қилган асарлар орасида М.Авезов, А.Тожибоев, Ш.Рашидов, А.Мухтор, А.Орипов, Ҳ.Худойбердиева, Л.Муталлиб, Б.Нозим сингари қозоқ, ўзбек, уйғур ёзувчиларининг асарлари ҳам борлигини, у асарларини нашр қилган 23 та уйғур шоиридан 16 таси илк бор оммалаштирилганини назарда тутсак, олим, шоир ва таржимон М.Ҳамроевнинг илмий ва бадиий ижод соҳасида қилган ишлари билан ўзидан катта ёдгорлик қолдиргани, ўзбек, қозоқ ва айниқса, уйғур адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлиги равшан бўлади.

М.Ҳамроев ҳаётининг сўнгги етти йили Ўзбекистонда кечди. У шу даврда Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг директори сифатида қизғин фаолият олиб борди. Мазкур институт билан бошқа давлатлар илм даргоҳлари ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйди, Тошкент шаҳри ва вилоятидаги бир неча олий ўқув юртларида «Адабиёт назарияси», «Кўп миллатли адабиёт» сингари фан соҳалари бўйича маърузалар ўқиди, ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарларини рус тилига таржима қилиб, ўзбек адабиётининг тарғиботига камтарона бўлса-да, ўз улушини қўшди.

Мурод Ҳамроев истеъдодли адабиётшунос олим, таржимон ва педагог сифатида икки халққа — ўзбек ва уйғур халқларига садоқат билан хизмат қилди.

Наим КАРИМОВ.

Тошкент Давлат аграр университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси, Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳамда Хоразм Маъмун академияси ташкилотчилигида «Хоразм Маъмун академияси ва унинг дунё илм-фани тараққиётидаги ўрни» мавзуида руспублика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

АНЖУМАН

Анжуманнинг ялпи мажлисида университет ректори Ҳ.Кимсанбоев, ЎзРФА вице-президенти С.Ғуломов, Шарқшунослик институти Ректори Б.Абдуҳалимов, университетнинг кафедра мудири, профессор Н.Мусаев, шарқшунос олим О.Бўриев ва бошқалар сўзга чиқишди. Маърузачилар қадимги Хоразмда деҳқончилик маданиятининг шаклланиши, Хоразм Маъмун академиясининг дунё илм-фани, табиий ва ижтимоий соҳалардаги улкан ишлари, унинг қайтадан тикланиши, олдига қўйилган муҳим долзарб вазифалар ҳақида гапиришди.

Анжуман маърузаларини ўз ичига олиб нашр қилинган тўпламда Хоразмдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, маданий-маърифий жараённинг шаклланиши ва ривожи, «Авесто»да қадимги ҳаётимизнинг акс этиши ҳамда Хоразм Маъмун академиясининг фаолият босқичлари ёритилган. Унда кўзга кўринган олимлар билан бир қаторда талабалар, ёш олимларнинг мақолалари ҳам берилган. Китобнинг нашр этилиши унда кўтарилган асарлар бўйича фикр алмашиш, ўрганиш, келгусидаги ижодий ишларнинг йўналишини белгилаб олишга имконият яратади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

ДИЛБАР ШОИРАНИНГ ҚИЗИ

«Миллий тикланиш» газетасининг 20 сентябрь кунги сонида жарқўрғонлик Жуманазар Аноровнинг «Дилбар шоира эди» деб номланган мақоласини ўқиб қолдим. Унда муаллиф шоира Раъно Узоқова ҳақида сўз юритиб, шоиранинг фақат Раҳима исмли қизини тилга олиб ўтади. Мақола кўнглимдаги хотира денгизини тўлқинлантириб юборди. Ва шоира Раъно Узоқованинг қизи Раҳима опа ҳақида билганларимни газетхонларга сўзлаб беришни лозим деб топдим.

Акс-садо

1983 йиллар. Мен Самарқанд Давлат университети ўзбек ва тожик филологияси факультетининг кечки бўлимида ўқир, кундуз куни ишлар эдим. Самарқанд телерадиокомпаниясининг ўша пайтдаги бўлим муҳаррири устозим (раҳматли) Нарзулла Файзиев иш топишимга кўмаклашиб юбордилар. Самарқанд шаҳрининг ўша пайтдаги Темирйўл туманидаги 53-боғчага кириб бордик. Юлдузи иссиқ, кулча юзли, оппоқдан келган мудира Раҳимахон опа бизни илиқ қарши олди. Ва ўша кундан эътиборан боғчага энага қилиб ишга қабул қилдилар. Раҳима опа меҳрибон, ўз ишига, ўзи ва ўзгаларга талабчан, озодаликни, тартибни севувчи аёл эди.

Бир куни вилоят ёзувчилар уюшмасида шеърият кечаси ўтадиган бўлди. Мен Раҳима опанинг ҳузурига кириб, ишдан жавоб беришларини сўрадим. Улар менга ўйчан, маъюс қараб турдилар-да: «Менинг ҳам онам шоира эди. Чиройли шеърлар ёзарди. Сиз ҳам шоира экансиз-да. Майли, тушга қадар сизга жавоб», — дедилар. Мен уюшмага келгач, Раҳима опанинг оналари шоира Раъно Узоқова эканлигини билганман. Раҳима опанинг ўша пайтда икки нафар қизлари бор эди. Бири-биридан гўзал қизларининг исми Гулбар ва Дилбар бўлиб, Гулбар турмушга узатилган, Дилбар эса ҳали мактабда ўқирди. Гулбар янги келинчак бўлиб, тез-тез онасининг ишхонасига келиб хабар оларди. Мен кўпинча Дилбарни мактабдан олиб келар эдим. Опанинг ҳар иккала қизи ҳам ниҳоятда гўзал, оналарига меҳрибон эди. Кейинчалик эшитишимча, Дилбарни ҳам турмушга берибдилар. Баъзан Самарқандга борганимда боғчага кириб ўтаман. Раҳима опа бугун боғча мудираси бўлиб ишламаётган бўлсалар-да, уни билган аёллардан сўраб-суриштириб келаман.

Журналист Жуманазар Аноров ҳамюрти шоира Раъно Узоқовадан қанча фахрлансалар, мен ҳам ўша пайтдаги раҳбарим Раҳима опа билан шунчалик ғурурланаман. Олманинг тагига олма, ўрикнинг тагига ўрик тушади, деганлари шу бўлса керак. Раҳима опа оналаридек дилбар аёл бўлганлар. Раъно Узоқова ижоди, оиласи ҳақида маълумот тўплаб юрувчилар учун ушбу ёзганларим асқотиб қолса, мамнун бўлардим.

Дилором ИСМОИЛОВА.

Дунё ва биз

ДЕМОГРАФИЯ НИМА?

XX аср бошларида ер юзи аҳолиси сони 1617 миллион кишини ташкил қилган бўлса, 1995 йилга келиб бу кўрсаткич 5,7 миллиардга етди. Аҳоли сонининг ўсиш суръатлари XIX асрнинг охири, XX асрнинг биринчи ярмида пасайди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда эса аҳоли сони янада ўсди.

Юртимизда истиқомат қилувчи 120 дан ортиқ миллат вакиллари Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади. Ўзбек миллатига мансуб кишилар мутлоқ сонига кўра дунё халқлари орасида қирқ бешинчи ўринда туради.

Демография фани ер юзида истиқомат қилувчи аҳолининг ҳаётини тадқиқ қилиш билан шуғулланади. Аҳолини ҳисобга олиш биринчи бўлиб Европа ва АҚШда XIX асрда пайдо бўлган. Бу жараён бошқа ҳудудларда эса XX асрнинг бошларида йўлга қўйилган. Демографияда туғилиш ва ўлим, миграция, аҳолининг ёши, жинси, маълумот даражаси, тили, этник, диний, ирқий таркибини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Шунингдек, аҳолининг бандлиги, иқтисодий фаоллиги, касб ҳунарга лаёқатлилиги даражаси ва бошқа жиҳатлар ҳам таҳлил қилинади.

Аҳоли миллий таркиби ҳақидаги маълумотлар уни рўйхатга олиш ҳамда статистик рўйхат олиб бориш йўли билан аниқланади. Дунё аҳолисининг миллий таркибини аниқ билиш жуда мушкул, чунки кўп ҳудудларда ассимиляция, яъни қорилиш, консолидация — миллий жипсланиш жараёнлари кенг тарқалган. Шунингдек, даврлар бўйича қабул қилинган этник атамашуносликда ҳам ўзаро фарқ мавжуд. Масалан, инглиз, француз, испан тилида сўзлашувчи кўпгина мамлакатларда «миллат» тушунчаси доимо давлат тушунчаси билан тенглаштирилади. Европа мамлакатларида эса аҳоли миллий таркиби бўйича 3 гуруҳга бўлинади.

Аҳолининг бирор сабаб билан яшаш жойини ўзгартириши, яъни кўчиши миграция дейилади. У дунёдаги муҳим муаммолардан биридир. Аҳоли миграцияси йўналишига кўра ташқи ёки ички миграция бўлиши мумкин. Ташқи миграция мамлакатдан чиқиб кетиш, яъни муҳожирликни кўзда тутади. Ички миграция эса мамлакат доирасида, вилоят ва туманлараро яшаш жойи ўзгаришини билдиради.

Аҳоли миграцияси жараёнига тарихий ва миллий анъаналар ҳам таъсир кўрсатади. Ўрта Осиё халқларида, хусусан, Ўзбекистонда одамларнинг туғилиб-ўсган жойига меҳри баландлигидан миграцияга мойиллик анча сўст.

Мағфират АЛИЕВА, Акмал ХЎЖАЕВ.

БАХТИЁР ЁШЛАР КОШОНАСИ

Беруний педагогика коллежи фаолиятидан лавҳалар

Таълим ва ислоҳот

Бугунги кунда ёш авлодни камол топтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Эртанги кунимизнинг муносиб эгалари бўлган бахтиёр ўғил-қизларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун зарур шарт-шароитлар муҳайё этилмоқда.



Ўзларининг тақдирига бўлган жиддий эътибор ва кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликлар ёшларни она-Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишишга, илм сирларини пухта эгаллашга руҳлантираяпти. Улар Асосий Қонунимиз, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган ва кафолатланган барча ҳуқуқ ва эркинликлардан тўла баҳраманд бўлишиб, мактаб, академик лицей, коллежларда камол топишмоқда. Кўрсанг ҳавас қилгудек замонавий илм масканларидаги бу ўқувчиларнинг чеҳраларига боқиб, дилингиз яйрайди. Ахир улар кечаги кун кишилари эмас, бугуннинг ёшлари. Журъатли, теран мушоҳадали, ўқишда ва ҳаётда фаол йигит-қизлар. Ўсиб-улғаётган оиласи каби жаннатмакон мустақил юртимизга чин дилдан меҳр қўйишган. Унга муносиб фарзанд бўлиб етишишдек олий туйғу билан яшашади.

Нурли маскан

Ўзига 1200 нафардан зиёд талабани бирлаштирган Беруний педагогика коллежи бугун чинакамига бахтиёр ёшлар кошонасига айланган, десак асло муболаға бўлмайди. Ўзида барча шарт-шароитларни мужассамлаштирган бу намунали ўқув масканининг олдида очиғи унчамунча кошоналар ип эшолмай қолади.

— Ҳавас қилса арзигулик ишларимиз, эришган ютуқларимиз ҳақида гап боргудек бўлса мен доим Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг беқиёс аҳамиятини эътироф этаман,— дейди коллеж директори Гулимбой ака Аминов. — Бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган ва бугунги кунда ҳаётга тобора кенг татбиқ этилаётган бу муҳим ҳужжат фаолиятимизнинг асосий дастуриламалига айланиб, ёшларимиз камолотига хизмат қилмоқда. Юртбошимиз эътироф этганларидек: «Мамлакатимиз ва жамиятимиз истиқболининг янада юксалишини ўзи учун мақсад қилиб олган ва шу интилишни ҳаётга татбиқ этаётган умуммиллий дастурларимиз, шулар қаторида Кадрлар тайёрлаш, Соғлиқни сақлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастурлари — узоқ қишлоқ ёки марказда бўладими — бугуннинг ўзидаёқ моҳияти ва амалий самарасини кўрсатмоқда. Ва уларнинг келажагимиз учун нақадар катта аҳамиятга эга эканини, ўйлайманки, ҳеч ким инкор этолмайди».

Бу сўзлар қалби юрт ишқи билан ёнган, унинг келажаги, порлоқ истиқболига катта умид ва ишонч билан қараётган, бу йўлда фидойиларча меҳнат қилаётган ҳар бир юртдошимизга чексиз қувонч, фахру ифтихор бағишламоқда. Халқимиз мустақилликнинг ўтган даври мобайнида ўзига хос ва мос йўлни босиб ўтди. Қатор соҳаларда бўлгани каби ўрта махсус таълимдаги ислоҳотлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Эришилаётган ютуқлар ҳеч кимни бефарқ қолдираётгани йўқ.

Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг изчил амалга оширилаётгани, айниқса, ижобий натижаларни бермоқда. Мазкур қонун, аввало ёшларнинг интеллектуал қобилиятларини ҳисобга олади. Унга мувофиқ 9-синфни битирган ўқувчи таълим асосида ўзининг салоҳиятига қараб академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқиш имкониятига эга бўлди. Коллежимиз ҳам шундай жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Унда талабаларимизнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Жумладан, коллежимизнинг муҳташам биносидаги ўқув хоналари билан биргаликда тўртта лингафон, иккита компьютер хонаси, физика, химия, биология лабораториялари ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Замонавий талаблар даражасида жиҳозланган бу нурли масканда улар пухта билим олиб, камолга етмоқдалар.

Коллеж жамоаси ёш авлодни ватанпарварлик ғоялари руҳида буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялашга астойдил ҳаракат қилмоқда. Шунга монанд ишчан жамоанинг олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бераяпти. Коллежни бешта муҳим йўналиш, яъни мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар, бошланғич таълим, жисмоний тарбия, мактабгача таълим, информатика ва коммуникация технологиялари мутахассисликлари бўйича тугаллаган ўғил-қизлар ўз соҳалари бўйича ишга жойлашишмоқда. Олий ўқув юртларида ўқишларини давом эттиришмоқда.

От изини той босар

Коллежнинг намунали билим даргоҳига айланишида педагогик жамоа билан биргаликда ишчан ва ташкилотчи раҳбар, тажрибали мураббий Гулимбой ака Аминовнинг ҳам хизматлари беқиёс. Қишлоқ йигити Беруний номли хўжаликдаги мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ туман марказида яшовчи амакиси Ҳайитбой ака Аминов сингари тарих ўқитувчиси бўлишни орзу қилиб юрарди. 7-синфда ўқиётган кезлари амакисининг уйига кўчиб келиб, 8-мактабда ўқишини давом эттирди. Гулимбой ўқиётган синфнинг жонкуяр раҳбари, физика ўқитувчиси Йўлдош ака Насруллаевнинг бой билими йигитни мафтун этиб, қизиқишини бу соҳага ўзгартиришига туртки берди. Мактабни тугаллаган ўспирин 1974 йили ТошДУ(ҳозирги ЎзМУ)нинг физика факультетига ўқишга кирди. Олий ўқув даргоҳида 5 йил чуқур билим олиб, соҳани меҳр билан ўрганди.

Унинг ўша пайтдаги меҳнатлари бугун ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Илк фаолиятини Беруний туманидаги 137-ўрта ҳунар-техника билим юртида физика фани ўқитувчилигидан бошлаган ёш мутахассис бироз ишлаб, бўлим мудири ва шу йилнинг ўзидаёқ ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор ўринбосари этиб тайинланди. Бу масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариш билан биргаликда ишдан ажралмаган ҳолда Тўрткўл қишлоқ хўжалиги техникумининг механизация факультетида ўқиб, қўшимча мутахассисликни ҳам эгаллади. Тиришқоқ мутахассисни 1988 йилнинг апрел ойида ўзи ишлаётган ҳунар-техника билим юртига директор этиб тайинлашди. Бу ерда самарали фаолият кўрсатган Гулимбой Аминов 2003 йилнинг декабрида Қорақалпоғистон Республикаси Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади. 2005 йилнинг январь ойида бошқармада янги ташкил этилган ўқув-тарбия жараёнига илмий-методик раҳбарлик қилиш бўлимига бошлиқ бўлди. 2006 йилнинг 16 мартидан буён эса Беруний педагогика коллежига раҳбарлик қилиб келмоқда.

— Оилада етти ўғил, икки қиз эдик, — дейди Гулимбой ака ўз ҳаёти ҳақида тўхталар экан. — От изини той босар, деганларидек икки укам менинг изимдан борди. Уларнинг бири Давронбек ҳозир ўзимизнинг тумандаги 56-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишламоқда. Муродбой эса математика фанидан ёшларга сабоқ бериб, 31-мактабда маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаяпти.

Ўқитувчиликдек улуғ касбга нафақат ака-укалар, балки фарзандлар ҳам астойдил меҳр боғлашди. Турмуш ўртоғи Эркиной опа билан бахтли ҳаёт кечириб, олти нафар фарзандни вояга етказган Гулимбой аканинг тўнғич ўғли Зоҳиджон Аминов Нукус Давлат университетини 2001 йилда битириб, Беруний педагогика коллежида математика ўқитувчиси бўлиб ишламоқда. Қизи эса шу коллежни тугатиб, 56-мактабда уч йилдан буён бошланғич синф ўқувчиларига дарс бериб келаяпти. Яна икки фарзанди — Бахтиёр билан Ихтиёр Нукус Давлат университети умумтехника факультетининг 3- ва 2-босқичларида таҳсил олишади. Бошқа фарзандлари эса доимо эл-юрт хизматида. Уларнинг камолини кўриб Гулимбой ака билан Эркиной опа беҳад қувонади. Ўз фарзандлари каби коллеж талабаларининг ҳам малакали мутахассислар бўлиб етишишини хоҳлашади. Бу йўлда фидойи раҳбар меҳнат қилиб чарчамайди. Бутун куч-ғайрати, билим ва маҳоратини ёшларга чуқур билим беришга сафарбар этади. Коллеж жамоасини янги ютуқлар сари руҳлантиради.

Келажакка қатъий ишонч билан

Нафақат Беруний туманида, балки мамлакатимизда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган бу жамоанинг таълимдаги ислоҳотлар ва ёшлар тарбиясига бўлган жиддий эътибори ижобий самара бермоқда. Уларнинг меҳнатлари эвазига талабаларнинг ўқишга бўлган меҳри ортиб, чуқур билим олмоқдалар. Келажакка қатъий ишонч билан қарамоқдалар. Бугун нафақат ўқитувчилар, балки ўқувчиларнинг отаоналари ҳам фарзандларининг барча қулайликларга эга бўлган шундай муҳташам, замонавий илм масканида билим олаётганликларидан фахрланишади. Шунга монанд ўқувчи йигит-қизларнинг ўзлари ҳам нафақат ўқишда, балки ҳаётда ҳам фаол бўлишга интилишади. Дарсдан бўш вақтларида 15 минг нусхадан зиёд китоб фондига эга бўлган кутубхонада бўлиб, билимларини чуқурлаштиришмоқда. Замонавий анжомлар билан жиҳозланган катта спорт залининг тренажёр хоналарида спортнинг ўзлари севган турлари билан шуғулланишиб, жисмоний баркамолликка эришмоқдалар. «Бернер» маркали тикув машиналари билан жиҳозланган тикувчилик устахонасида талаба қизлар бичиш-тикиш сирларини ўрганишмоқда.

Ишчан жамоадаги юз нафардан зиёд ўқитувчи, устоз ва мураббий меҳнатининг самараси ёшлар камолида намоён бўлмоқда. Бахтиёр ўғил-қизлар устозларининг сабоқларини пухта эгаллаб, турли олимпиада ва спорт мусобақаларида фаол қатнашмоқдалар.

— 2001 йили Жиззах шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида коллежимизнинг волейбол командаси фахрли учинчи ўринни эгаллади, — дейди директор ўринбосари Алибек Ибрагимов. — 2003 йилда эса Тошкент вилоятида ўтказилган шундай нуфузли спорт мусобақаларида волейболчи ўғил-қизларимиз ҳамда стол тенниси бўйича жамоамиз муваффақиятли иштирок этишди. Ўтган йили Андижон шаҳрида ўтказилган шундай тадбирда ҳам фахрли ўринларни эгалладик. Шу билан бирга унда фаол иштирок этган коллежимиз ўқитувчиси Рўзибой Юлдашев «Энг яхши судя» мақомига эга бўлди.

Бундан ташқари, илм масканимиз ёшлари мамлакатимиз бўйича ўтказилаётган фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловларда ҳам фаол иштирок этишмоқда. Жумладан, улар инглиз тилидан 1-ўринни, иқтисодиёт фанидан 2-ўринни, она тилидан фахрли 3-ўринни эгаллашди. 2-курс талабаси Зебо Юсупбоева адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги давлат мукофотига тавсия қилинди. Улар билан Тўймажон Аҳмедова, Бектурди Жойлихонов, Зулфия Ўрозова, Сайёра Камолова, Шуҳрат Сапаров, Ойбек Сабуров, Расул ва Рўзибой Юлдашев каби ўқитувчиларимиз, устоз-мураббийларимиз ҳақли равишда фахрланишади.



Коллежнинг истиқболи порлоқ. Аҳил жамоа бунинг учун бор куч-ғайратини сарфламоқда. Халқ таълимига ўрта махсус маълумотли мутахассислар етказиб беришдек олижаноб вазифани шараф билан адо этишмоқда. Бу уларнинг давлатимиз раҳбарияти томонидан ўзларига бўлган чексиз ғамхўрлик ва жиддий эътиборга амалий жавоблари ҳамдир.

Коллеждан қайтар эканмиз, Гулимбой ака Аминов шундай истак билдирди:

— Яна бир улуғ айём арафасида турибмиз. Ҳадемай Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллик байрамини нишонлаймиз. Ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган ва барча ютуқларимизга асос яратган Асосий Қонунимизнинг шарофатини ҳаммамиз кўриб, ҳис этиб турибмиз. Ҳақ-ҳуқуқларимиз ва эркинликларимизни кафолатлаган Бош Қомусимиз аслида ҳаёт маёғимиздир. Бутун жамоамиз номидан бу мўътабар байрам билан юртдошларимизни, ёш авлод камолоти йўлида меҳнат қилаётган ўрта махсус касб-ҳунар таълими ходимларини, мамлакатимизда жўшқин меҳнат қилаётган барча ўқитувчиларни, устоз ва мураббийларни, бахтиёр ёшларни қизғин муборакбод этамиз. Юртимизга тинчлик-хотиржамлик, оилаларга фаровонлик, файзу барака тилаймиз.

Рустам ДОСТОН,
«Миллий тикланиш» мухбири.

СУРАТЛАРДА: коллеж директори Гулимбой Аминов; ўқув маскани фаолиятидан лавҳалар.

Нигоҳ

Танишинг: фотожурналист Ҳасан Пайдоев





Ҳасан Пайдоев 1981 йил айни қовун пишиғида Касби туманидаги Байдоқчи қишлоғида туғилган.

— Болалигимдан суратга олишга қизиққанман. Ўшанда фотоаппаратим билан дурбиним бўлиши энг катта орзуим эди,— дейди у.

Отасининг рассомчилик, ҳайкалтарошлик, шеъриятдан хабари бўлгани учунми, уни ўзига биринчи устоз деб билади. Ҳасаннинг архивида бошқа ҳамкасбларникига ўхшамайдиган суратлар жуда кўп. У доимо табиат мўъжизаларини кадрда жонлантиришга ҳаракат қилади. Фото ижодкорнинг ўткир нигоҳи инсон руҳиятини нозик дид билан илғайди. Суратларни кўриб, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилишингиз шубҳасиз.

ҚИРОЛ ТАБИБИНИНГ БАШОРАТЛАРИ

Инсоният келажагини олдиндан айтиб беришга ҳаракат қилган буюк башоратчилар орасида Мишель Нострадамуснинг ўрни беқиёс. У ўзининг башорат китобларини «Центруялар» деб аталувчи шеърий услубда баён этган. Башоратчининг қаламига мансуб «Центруялар» ва «Ишоратлар» номли китоблар ўз соҳибининг ғаройиб кароматпешалигидан далолат беради.

Ғаройиб олам

Муаллифнинг эътироф этишича, унинг башоратлари 1555 йилдан то 3797 йилгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олади ва бутун дунё тақдирига дахлдордир. Хўш, башоратчининг ўзи ким? Мишель Нострадамус асли франциялик бўлиб, 1503-1566 йилларда яшаган. У қирол Карл IXнинг шахсий табиби ва қиролнинг онаси Екатерина Медичининг мунажжими эди. Нострадамус жуда ёшлигиданоқ Миср ва Форс донишмандлик китобларини, юлдузлар ҳолатини чуқур ўрганиб борган. У ўттиз ёшда гўзал қизга уйланади. Лекин кейинчалик хотини билан икки боласи юқумли касалликдан ҳалок бўлишади. Ўзи ҳам башоратлари туфайли гулханда куйдирилишига бир баҳя қолади. Тақдир тасодифи боис ўлимдан омон қолгач, қирқ ёшида иккинчи марта бой бева — Анна Жемалга уйланади.

Башоратчи кўплаб қиролларнинг ва нуфузли кишиларнинг тақдирини, сулолалар ва Рим папаларининг ҳукмронлик даврини, 1572 йил рўй берган Варфоломей оқшомидаги қирғинни, Наполеон мағлубиятини, Москвадаги ёнғинни, Австрия-Англия урушини, Бавариядаги қотилликни, коинотдаги онгли мавжудотларнинг Ерга ташриф буюришини, шунингдек, ўзининг ўлимидан кейин 220 йил ўтиб юз берадиган француз инқилобини башорат қилган. У бу инқилобнинг нафақат Франция учун, балки бутун жаҳон тақдирида муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаган.

Нострадамус Женевани ўз китобида «жаннат боғи» деб таърифлайди ва вақти келиб у талон-тарож қилиниши халқнинг заҳарланишидан дарак беради. Башоратчининг таъкидлашига кўра шундай давр келадики, унда шартнома ва битимларга риоя қилинмайди, кичик давлатлар жиққамушт бўлишади, икки улуғ давлат эса (башоратчи бу икки улуғ давлатни Славяния ва «Ғарбий Англия» деб атайди) ўзаро уруш бошлашга журъат қилолмай узоқ вақт бир-бирига мушт ўқталаверади. Кейин эса талончилик оқибатида урушиб кетадилар. Бу ҳодиса Оқиш Юлдуз пайдо бўладиган вақтда рўй беради. Башоратчи Европанинг ҳозиргига нисбатан мутлақо ўзгача ҳолатини ҳам кўра олган ва агар Европа бирлашса-ю Швейцариядан туриб бошқарилса, у XX асрда кутилаётган қора қисматдан қутулиб қолади, дейди. Нострадамус Европада тинчлик ва эркинлик ҳукм сурадиган пайтдан ҳам дарак беради. «Афсуски, бу давр кўпга бормайди», — деб ёзади у.

Башоратчининг айтишига кўра, Фаластинда араблар билан яҳудийлар уруши узоқ вақт давом этади. Хуллас, ҳам ўтмиш, ҳам ҳозирги кун, ҳам келажак тўғрисида башоратларни айта олган Нострадамуснинг валийлигидан воқиф бўлганлар ҳайратда қолишгани аниқ.

Мишель Нострадамус ёзади: «Вақти келиб Германия — Брабант ва Фландрия, Женева ҳамда Болоньяни ўз таркибига қўшиб олади. Лекин Буюк Арман фарзанди Венага ҳужум қилиб, Кёльнни забт этади!»

Швейцариялик астролог Крафт ушбу сатрлар замиридаги маз-мунни фаҳмлагач, 1940 йилда Гитлер ҳузурига келиб, советлар давлатига ҳужум қилмасликни маслаҳат беради. Башоратчининг юқоридаги сўзларини Крафт қуйидагича таҳлил этади: Фландрия давлати — ҳозирги Бельгия, у Голландия ва қисман Франция ҳудудига киради. Женева эса Европанинг маркази Швейцарияда жойлашганди. Болонья Шимолий Италия ҳудудида эди. Демак, Фландрия Европанинг юқори қисми бўлса, Болонья пастки қисми ҳисобланарди. Айтиш мумкинки, Нострадамус вақти келиб Германия Европанинг катта қисмини босиб олишини башорат қилган. Маълумки, қадимда Кавказорти ерлари (ҳозирги Грузия ҳам) Арманлар давлатига тегишли бўлган. Нострадамус ўз башоратида «Арман фарзанди» деб номлаган шахс Сталин бўлса, бизга аёнки, унинг бошчилигидаги қизил армия Германия қўшинларини енгиб, Венани ҳам, Берлинни ҳам забт этган. Башоратда айтилган Кёльн шаҳри ҳақида сўз. Тарихий манбаларга кўра, XVII асрда Берлин — «Шпредаги Кёльн шаҳри» номи билан юритилган. Хуллас, астролог Крафтнинг огоҳлантиришига қулоқ солмаган Гитлер — 1941 йилда уруш очади ва охир-оқибатда мағлубиятга учрайди.

Гарчи Нострадамус тарихий саналар ва шахс номларини аниқ айтмаган бўлса-да, буни илғаб олиш унчалик қийин эмас. Аслида башоратларни у очиқ-ойдин қилиб айтиши ҳам мумкинмиди? Бу хусусда буюк башоратчининг ўзи бироз истиҳола билан шундай ёзади: «Мен рўй бериши керак бўлган воқеа-ҳодисаларнинг вақт-соатини кўрсатиб... аниқ саналарни беришим ҳам мумкин эди.»

Дарвоқе, шундай. Мишель Нострадамус 62 йил 6 ою 12 кун умр кўрди. Улуғ башоратчи 1566 йилда вафот этди. Уни ўз истагига кўра тик турган ҳолда дафн этдилар.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА тайёрлади.

Ҳикматлар хазинасидан

БУЮКЛАР БОЙЛИК ҲАҚИДА

Камбағал ўз деразасидаги атиргулдан боғи бор бойваччага нисбатан кўпроқ завқланади.

Пьер БУАСТ.

***

Ўзида йўқ нарсадан сиқилмасдан, ўзида бор нарсадан завқ оладиган кишилар ақлли кишилардир.

ДЕМОКРИТ.

***

Бойлик одамзотнинг асосий мақсади бўлиб қолмаслиги лозим.

Френсис БЕКОН.

***

Бойлик зиқналикни йўқота олмайди.

Крисп САЛЛЮСТИЙ.

***

Бойлик денгизнинг шўр сувига ўхшайди — уни қанча ичсанг ҳам қониқмайсан.

Артур ШОПЕНГАУЭР.

***

Миллатимизни бойлигимиз эмас, уни қандай ишлата билишимиз буюк қила олади.

Теодор РУЗВЕЛЬТ.

***

Сиз бойлар уйидаги ялтироқ ҳаёт ва тиллоларни кўра биласиз, лекин уларга етишмайдиган нарсаларни кўра олмайсиз.

Аврелий АВГУСТИН.

***

Йиғишинг, тортиб олишинг, эгалик қилишинг, ўғирлашинг мумкин, бироқ бир кун келиб буларнинг ҳаммасини қолдиришга тўғри келади.

МАРЦИАЛ.

***

Бойлик орттиришдан асосий мақсад, кўп пул йиғиш эмас, балки турмушни яхшилаш учун пул топиш бўлиши лозим.

Генри ФОРД.

***

Ҳужралар ёнида қурилган қаср хавфсиз бўла олмайди.

Бенджамин ДИЗРАЭЛИ.

***

Бойларда керагидан ортиқ нарсалар бўлиши мумкин, аммо тўқлик бўлмайди.

Пьер БУАСТ.

Зумрад ВАҲОБОВА тайёрлади.

ОКЕАН ТУБИДА

Биласизми?

Қайси балиқ қачон ухлашини биласизми? Карп чўртан ва чавақ балиқлар кундузи емиш излаб, кечаси денгизнинг бирор-бир тинч бурчагига кириб ухлайди. Лаққа балиқ, тошбош ва илонбалиқлар эса аксинча, кечаси овга чиқиб, кундузи дам олади.

***

Гумлой балиғи чучук сувда озиш бўйича балиқлар орасида чемпион саналади. У соатига 33 км. тезликда суза олади. Лаққа балиқ эса худди шу вақт ичида тахминан 23 км. масофани босиб ўтади.

***

Денгиз юлдузчасининг кўзлари унинг қирраларида жойлашган. Унинг кўзлари инсонникидан ҳам ўткирроқ.

***

Акуланинг скелети кемирчаклардан иборат. Ўлиги қирғоққа олиб чиқилган акула дарҳол ялпайиб, пачоқлангандек бўлиб қолади.

***

Амазонкада учрайдиган электр илонбалиқ 650 вольтлик қувватга эга.

***

Қилич-балиқ тезликни шунчалик оширишга қодирки, натижада унинг қиличсимон устки жағи ҳаёт учун хавфли қуролга айланиши мумкин. Британия музейларидан бирида қилич-балиқ жағи билан тешиб ўтган эни 35 см.лик эман сақланмоқда.

***

Ер юзида барча ҳайвонлар орасида фақатгина Австралия денгизларида учрайдиган медузасифат балиқларнинг қони кўк рангда.

Беҳзод ҚОДИРОВ тайёрлади.

Жаҳон ҳафта ичида

ОВҚАТЛАНИШДАГИ ЯНГИ ТАРТИБ

Калифорниядаги учта бошланғич мактаб ўқувчилари энди махсус сканерда бармоқ изларини қолдиришгандагина, мактаб буфетидан овқатланишлари мумкин, деб хабар беради Associated Press.

Гап шундаки, Америка мактабларида ўқувчиларнинг овқатланишига кетадиган маблағ ҳам ота-оналар томонидан, ҳам давлат томонидан тўланади. Шу сабабли мактаб маъмурияти ҳар бир ўқувчининг ҳисоб рақамини доимий тарзда текшириб, ота-оналар ҳамда тегишли федерал ташкилотлар олдида ҳисобот бериб боришга мажбур. Ўқувчилар томонидан берилган буюртма қўлда қайд этилади ва бу мактаб буфетларида узундан-узун навбатни вужудга келтиради. Хоуп округи мутасаддилари янгилик орқали навбатларни қисқартиришга ва мактаб маъмуриятининг ҳисобот бериш тизимини соддалаштиришни режалаштирди. Аммо баъзи ота-оналар дактилоскопик усулнинг жорий қилинишини фарзандларининг шахсий ҳаётига аралашиш, деб баҳолашган ва ўз норозиликларини билдиришган.

ГОНКУР МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ

Гонкур мукофоти 2006 йил учун ўз лауреатларини аниқлади. Ушбу мукофот америкалик Жонатан Литтеллга "Яхшилик истовчилар" романи учун берилди.

Ушбу нуфузли мукофотнинг ҳакамлар ҳайъати асли америкалик бўлган, аммо бугунги кунда Барселонада яшаётган мазкур адибни бошқалардан устунроқ деб топди.

Қизиғи, бундан бир неча ҳафта муқаддам айнан ушбу асар Франция академиясининг Гран-присига лойиқ кўрилган эди. Шу йилнинг августидан бошлаб, Францияда ушбу китобнинг 200 минг донаси сотиб бўлинган.

Тўққиз юз саҳифали бу романда нацистларнинг иккинчи жаҳон урушида шарқий фронтда амалга оширган ёвузликлари қаламга олинган. "Яхшилик истовчилар"ни 2008 йилда ингиз тилида чоп этиш режалаштирилмоқда.

РОМАНО ПРОДИ УМУМЛАШГАН БОШҚАРУВ ТАРАФДОРИ

Италия бош вазири Романо Проди умумевропа энергетик бошқармасини тузишга чақирди. Унинг фикрича, бундай бошқарув Европа давлатларини электр билан таъминлашдаги жиддий узилишларнинг олдини олиши мумкин.

Ҳозирда электр энергиясига бўлган талабнинг кескин ошиб кетиши натижасида Германия электр тизимида тез-тез жиддий узилиш рўй бериб турибди. Бундай ҳодисалардан Франция, Италия, Испания, Австрия, Бельгия, Голландия ва Хорватия ҳам мустасно эмас. Германия томонининг маълум қилишича, бу узилишларга мамлакат ғарбида электр энергиясига бўлган талабнинг ошиб кетиши сабаб бўлган.

Электр тармоғидаги узилиш натижасида Германиядаги поездлар қатнови кескин издан чиққан. Испания ва Италиянинг катта қисмидаги аҳоли салкам бир соатга яқин электр манбаисиз қолиб кетган. Кўрилган талофатдан Франция ҳам азият чекмоқда. Бу ерда электр энергиясиз қолиб кетган аҳолининг сони салкам беш миллион кишига яқинлашиб қолди.

Қимматбаҳо магнитафон тасмаси

Пол Маккартни оддий магнитафон тасмасини 200 минг фунт-стерлингга сотиб олди. Оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишича, ушбу тасмада машҳур қўшиқчи Маккартнининг биринчи турмуш ўртоғи Линда билан муносабатларига аниқлик киритиши мумкин бўлган ёзувлар бор эди. Узунқулоқ гапларга қараганда, ушбу тасмани қўлга киритиш учун унинг иккинчи хотини Хизер Миллс ҳам ҳаракат қилаётганди.



Тасманинг олдинги эгаси Питер Кокснинг айтишича, тасмада Линданинг ўз эридан шикоятлари ўрин олган. Пол Маккартни биринчи хотинига нисбатан анча қаттиққўл бўлган. Ушбу тасма суд жараёнида анча-мунча тош босадиган ашёвий далил вазифасини ўташи мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 133-67-51; Бўлимлар — 136-58-73

Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 1323. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 2108. Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00